Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 197 (13.153).
24 АВГУСТ 1965 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ОЙНИНГ КЎРИНМАС ТОМОНИ ОДАМЛАРГА АЁН БЎЛДИ

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МОСКВА, 23 август. (ТАСС мухбири). Бугун жуда кўп чет эл ва совет журналистлари СССР Фанлар академияси президиумининг мажлислар залини лиқ тўлдиришди. Совет «Зонд-3» автомат станцияси ойнинг кўринмас томонини олган фотосуратларга бағишланиб, шу ерда матбуот конференцияси ўтказилди.

Ана шу суратлар журналистларга кўрсатилди. Матбуот конференциясида СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдиш, астроном ва астрофизик олимлар гапиришди.

ШАЙМИЗ

Ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигини муваффақиятли давом эттираётган кезларда бир гуруҳ машҳур пахтакорларнинг очиқ хати келиб қолди. Бригадамиз аъзолари хатни қунт билан ўқиб чиқар эканлар, ўз ишларини янада яхшилаш зарурлигини, мўл ҳосил учун курашни тағин кучайтириш лозимлигини англаб олдилар. Шунга кўра, йиғим-терим бошланишига қадар ҳар туп ғўзада яна иккитадан тўқ кўсак бўлишига эришишни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик.

Ҳар туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиб, янги ҳосил теримига ҳам пухта ҳозирлик кўраётган бригадамиз азаматлари гектаридан 30 центнерга етказиб «оқ олтин» топширишмоқчи. Бизнинг шароитимизда бу яхши кўрсаткич. Ҳозир ғўзаларимизнинг ҳар тупида 12-14 тадан тўқ кўсак бор. Улар эртанидин очила бошлайди. Яна бир неча кунлардан сўнг барча майдонлардаги кўсакларнинг ёппасига очилишини кутяпмиз. Демак, йиғим-терим бошланадиган кунлар яқин.

162 гектар майдондаги ҳосилни мумкин қадар тезроқ саранжом-саришталаб олиш учун тадбирлар белгилаб чиқдик. Шу тадбирлар ҳозир изчиллик билан амалга оширилянти. Теримчилар шайланиб туришибди. Тўртта хирмон жой, уч километрли йўл ва кўприклар созланиб қўйилган. Биз сентябрь ойида йиллик планнинг 70 процента миқдорида пахта тайёрлаш учун социалистик мусобақага кўшилдик. Бунга қурбимиз етади.

Бойзоқ ЭСОНОВ,
Самарқанд область Карл Маркс номли колхозининг бригада бошлиғи. Пайариқ районидаги

Паҳта ғоят юқори сифатли бўлсин десак, ҳозир қўл қовуштириб ўтиришимиз керак эмас. Ҳамма пайкалларни қайта-қайта текшириб кўришимиз, бегона ўтни битта қолдирмай йўқотишимиз, сўнгги суғоришни моҳирлик ва уюшқоқлик билан ўтказишимиз, кеч амал олган ҳосил тугунчаларини тезроқ етиштириш ҳамда ҳар қайси пайкалда кўп ҳосил тўплаш учун қўшимча чораларни кўришимиз зарур.

(«ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ПАХТАКОРЛАРИГА ОЧИҚ ХАТ»ДАН).

МОСКВА, РАСМИЙ ХАБАРЛАР

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар Николае Чаушеску, Киву Стойка ва Ион Георге Маурер ўртоқларга телеграмма юбориб, янги конституция қабул қилиниши ва Руминия Социалистик Республикаси деб эълон қилиниши муносабати билан Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашига ва Министрлар Советига самимий қутловлар йўллайдилар. Улар қардош румин халқига социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян Киву Стойка номига йўллаган телеграммасида Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг раиси қилиб яна сайланганлиги билан уни қутлади.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ион Георге Маурерга йўллаган телеграммасида Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан унга самимий қутловлар ва яхши истаклар билдиради. (ТАСС).

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар Николае Чаушеску, Киву Стойка ва Ион Георге Маурер ўртоқларга телеграмма юбориб, миллий байрам — Руминия фашистлар асоратидан озод қилинганлигининг 21 йиллиги мунобати билан қардош румин халқига ва Руминия Социалистик Республикасининг раҳбарларига самимий қутловлар ва энг яхши истаклар изҳор қилдилар.

Телеграммада айтилдики, Руминия озод этилганлиги йиллигининг байрам қилинаётганлиги бу йил янги конституция қабул қилиниши ва Руминия социалистик Республикаси эълон қилиниши билан бир вақтга тўғри келди. Бу эса мамлакатда социализмни муваффақиятли қуриш ишида муҳим босқич бошланганлигидан далолат беради.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, румин халқининг социализм қуришдаги ажойиб муваффақиятларига чин кўнгилдан қувонмоқдалар.

ҚАРДОШЛАРЧА ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

21 августда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Франция Коммунистик партияси вакиллари учрашдилар. Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Марказий Комитет Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва Франция Коммунистик партиясининг СССРда дам олаётган Бош секретари Вальден Роше қатнашдилар.

Ўртоқларча суҳбат вақтида ҳар иккала партияни қизиқтираётган масалалар устида, халқаро аҳвол ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг актуал проблемалари устида фикрлашиб олинди. Самимий ва дўстона характерда бўлган бу учрашув қардошларча якдиллик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз пахтакорларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида жиддий ғамхўрлик қилаётганини ҳамиша сезиб, ҳис қилиб турибмиз. СССР Министрлар Советининг пахта етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотишдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида яқинда қабул килган карори ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Бу, колхозимиз аъзолари қалбини қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Биз яқинда ана шу карор туфайли хўжалигимиз ва колхозчиларимиз канча қўшимча даромад олишларини хомчўт қилиб чиқдик. Колхоз 1962 йили гектаридан ўртача 7,16, 1963 йилда 14,83, ўтган йили эса 19,2 центнердан пахта етиштирган эди. Уч йиллик ўртача ҳосилдорлик 13,7 центнерни ташкил қилибди. Бу йил эса ҳосилдорликни ўтган йилгидан 5,8, аввалги уч йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан 11,3 центнер оширишни мўлжаллаяпмиз. Агар етиштириладиган 2500 тонна пахтанинг 1000 тоннасини биринчи, 700 тоннасини иккинчи, қолганини эса паст сортларга топширсак янги карорга биноан колхоз 192 минг сўм қўшимча даромад қилади. Колхозчиларимиз бундай катта манфаатдор бўладилар.

Шуниси характерлики, социалистик мажбуриятни бажарсак, хўжалик пахтачиликнинг ўзидан планда кўзда тутилган 703 минг сўм ўрнига, 1 миллион 162 минг сўм даромад киладди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик даромадлари эса қарийб 100 сўмданга етади.

Бу карор бригадаларда хўжалик ҳисобини янада мустаҳкамлайди. Ҳар бир бригада ўзи топширган пахтанинг миқдори ва сортига қараб ҳақ оладиган бўлгани учун ҳосилдорликни ошириш ва пахта сортини яхшилаш тўғрисида ҳамма — сувчи ҳам, тракторчи ҳам, бошқа колхозчилар ҳам бабаравар ҳаракат қилаётир. Шу жиҳатдан Х. Очилов, А. Қодиров, А. Каримов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шу кунларда қилинаётган ишлар эътиборни тортади. Гектаридан 25 центнердан хирмон кўтариш ниятида қизғин иш олиб бораётган бу бригадаларнинг аъзолари социалистик мажбуриятларини бажарсалар, улгуржи қўшимча фойда оладилар.

Яхши ниятни дилга жо қилиб, далаларда жавлон ураётган мирзакор деҳконларимиз доғдор пахта усталарининг очиқ хатидан руҳланиб, ҳосилга ҳосил қўшиш, йиғим-теримга ҳозирлик кўриш борасидаги ишларни янада қизитиб юборишдилар. Бригадалардаги хирмонлар жадал ҳозирланяпти, йўл ва кўприклар тартибга келтирилянти. Бир сўз билан айтганда, теримни 26 август тонгидан оммавий равишда бошлаб юбориш учун пухта шайланяпмиз.

М. ЭГАМОВ.
Қарши районидаги Энгельс номли колхоз раиси.

Бекобод районидаги Ленин номли колхозининг механизаторлари бу йил 1.700 гектар майдондаги ҳосилни «зангори кема»ларда теріб беришмоқчи. Шу мақсадда улар 60 агрегатни ремонтдан чиқариб, шай қилиб қўйдилар. Кўпчилик механик-ҳайдовчилар мавсумда 100 тонна ва ундан ортиқ пахта теріш мажбуриятини олган. Суратда: механик-ҳайдовчи Сидиқ Содиқов ремонтдан чиқарилган ўз машинаси ёнида.

А. Тўраев фотоси.

СЕРҲОСИЛ ҒЎЗАЛАР

Шу кунларда «Гулбоғ» совхозининг 5- бўлим даласига борган киши қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Ғўзани культивация қилиш ва суғориш бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Бу ерда айниқса «шарбат» оқизиш яхши ташкил этилган. Бу йил 550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнер ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган бўлим далаларида ана шу мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Биз ҳар туп ғўзада ўртача 8-10 тадан етилган кўсак санадик.

Ўтган йили гектаридан 28,7 центнердан ҳосил етиштириб, планни бўлимда биринчи бўлиб бажарган ўрток Мамасодиқ Кимсанов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олгаплар. Ҳозир 93 гектар ердаги ғўза 5 марта комплекс ишланди. Ғўза чеканкаси ҳам намунали ўтказилди. «Шарбат» оқизиш давом этмоқда. Бригада механизаторлари Комил Холтўраев, Абдусалим Ўринбоев ўртоқлар август ойида ҳам ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилишяпти. Улар тракторларнинг олдинги қисмига тўсиклар ўрнатиб, кўчатни ҳам, кўсакларни ҳам нобуд қилмасдан етилтирмоқдалар.

Бригада сувчиларидан Абдусамал Усмонов, Тўйчибой Шерматов, Насриддин Фазлиддинов, Малибой Исмоилов ўртоқлар ғўзаларни об-тобида қондириб суғоришмоқда.

Шунингдек, Мирзаабдулла Мамадалиев бошлиқ бригада ҳам пахта ҳосилдорлигини йил сайин ошириб келаётир. Ғўза парваришни агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Турғунбой Мамадалиев, Сулаймонкул Имомов ўртоқлар шу кунларда 6-7 гектар ердаги ғўзани авайлаб культивация қилмоқдалар. Бригада аъзолари ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақа кун сайин самарали натижа бераяпти. Гуломжон Кўкмирзаев, Абдураҳмон Исҳоков, Ёриқбой Турғунов, Исҳоқ Ўринов сингари азаматлар машъал пахтакорларнинг очиқ хатига жавобан унумли меҳнат қилиб, кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳиссадан ado этаётирлар.

Бўлимда пахта теримини ўз вақтида бошлаб юборишга ҳам ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрилянти. 10 та «ХВС-1,2» агрегати, 15 та прицеп, 10 тарози, 10 хирмон жой ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди. 500 та этак тайёрланди.

Бўлимда 440 гектар ернинг ҳосили машина билан терилади. Шунинг учун ҳам ана шу майдонларда ғўза парваришни машина теримига мослаб олиб борилмоқда.

Бўлим пахтакорлари ой охиригача ҳар туп ғўзада 12-13 тадан тўқ кўсак бўлишини таъминлаш, бу кўсакларнинг тез пишиб етилишига эришиш билан учи пешма-пеш теріб олиш, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил топшириш учун курашга отландилар.

К. РАҲИМОВ.
Андижон области.

ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА

«Косон» совхози пахтакорлари бу йил она-Ватанга 7 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишмоқчи. Ана шу миқдордаги пахта фақат қўл кучи билан теріб олинадиган бўлса, теріш ишлари ниҳоятда кечикиб кетиши совхоз раҳбарларига яхши маълум. Шундай бўлса ҳам улар техника ремонти ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаётганга ўхшайдилар. Оқибатда, теріш агрегатлари ремонти кечиктириб юборилмоқда. Кўпгина механик-ҳайдовчилар етишмаслиги хавфи тугилаётир.

Совхоз бош инженери ўрток Г. Файзиев ўз функциясини қониқарсиз бажарянти. 32 теріш агрегатидан эндигина 8 таси ремонтдан чиқарилгани, транспорт воситаларнинг деярли ярми ҳамон ишга шай этилмагани унинг фаолиятсизлигидан яққол далолат бериб турибди. Унга йиғим-терим якинлашаётгани ҳақида гапиргудек бўлсангиз, бепарвогина «Ҳали вақт эрта, улгурамиз» деб қўя колади.

Афсуски, худди ана шундай камчиликлар райондаги Ленин номли, «Москва» совхозларида ҳамда «Партия XXII съезди» колхозида ҳам кўзга ташланиб турибди.

Косон район партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, совхозларнинг директорлари ва колхоз раислари ўринсиз судралишга ҳалқ-кесил барҳам беришлари лозим.

М. БОБОЖОНОВ.

ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Паҳта далаларида

● ҚЎРҒОНТЕПА. Меҳнат Қизил байроқ ордени Абдулла Абдукаримов бошлиқ бригада райондаги «Коммунизм» колхозида мўл ҳосилли колдеклив лардан бири ҳисобланади. Бригада азаматлари 123 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариш иштиёкида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Мўл ҳосил учун курашда сувчилар одатдагидек ғайрат ва шижоат кўрсатишаётир. Х. Юсуфохунов, М. Паршиев сингари мирзакорлар ўсимликни сувга, «шарбат»га кондиришмоқда. Йиғим-теримгача ғўза парваришини давом эттириш — бригада аъзоларининг аҳди.

М. КАМОЛОВ.

● ШАҲРИСАБЗ. Қуйбишев номли колхознинг коммунист ўрток И. Абдураҳмонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳосилга-ҳосил қўшиш кизгин давом этаётган шу кунларда янада уюшқоқлик билан меҳнат қилаётирлар. Бригада даларини кўздан кечирсангиз, кизгин меҳнат самарасини аниқ кўрасиз. Ҳар туп ғўзада 12-14 тадан тўқ кўсак ҳосил қилинган.

М. КОДИРОВ.

● ЖИЗЗАХ. 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарамиз. — дейди «Зарафшон» колхозининг юқори ҳосилли бригада бошлиғи ўрток У. Азимов, — биз эгу ниятимизга эришишимизга аминмиз. Яхши парваришланган, ўғитланган ҳар туп ғўзамизда 14-16 тадан кўсак бор.

Бригада аъзолари ҳосилга-ҳосил қўшиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Х. ЭРГАШЕВ.

РЕМОНТ ЖАДАЛЛАШСИН

Фарғоналик механик-ҳайдовчилар бу йил «зангори кема»лар бункеридан салкам 100 минг тонна пахта тўкишга шайланиб турибдилар. Область колхоз ва совхозларида қарийб 1900 теорм агрегати ишлаши керак.

«Зангори кема»ларни тўла ишга солиш ҳамда уларнинг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш учун шубҳасиз, ана шу машиналар ремонтини ҳар томонлама мукаммал ва юкори сифат билан ўтказиш лозим. Буни яхши ҳис қилган «Узсельхозтехника»нинг катор район бирлашмалари теріш агрегатлари ремонтига барвакт киришиб, бу ишни муваффакиятли олиб боормоқдалар. Бу жиҳатдан Қува, Охунбобоев, Бағдод ва Фарғона районларида қилинаётган ишлар эътиборни тортади. Мазкур районлардаги хўжаликлар агрегатларнинг асосий қисмини ишга шай қилиб қўйдилар. Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли, Свердлов номли, Фарғона районидаги Димитров номли колхозларда, «Қўқон» совхозида пахта теріш машиналари аллақачон ишга тўла тахт қилиб қўйилган.

Лекин, умуман область бўйича пахта теріш машиналари ремонтининг борили кўнгилдагидек эмас. «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг жуда кўп устахоналарида ремонт сифати талабга жавоб бермайди. Шуниси ачинарлики, талайгина камчиликлари бўлган машиналар ҳам «ремонт қилинди» деб тайёр машиналар каторига қўшиб қўйилмоқда.

Олтиариқ районидаги хўжаликлари 153 теріш агрегатининг 140 тасини бевосита колхозларнинг ўзида ремонт қилмоқчи бўлишди. Аммо, ана шу хўжаликларда етарли шароит йўклиги учун теріш агрегатлари сифатсиз ремонт қилинаётир. Оқибатда «Правда», «Ленинград», «Большевик», «Пахтакор» колхозларида қўл учида ремонт қилинган машиналарни ҳам ишга тайёр деб ҳисобламоқдалар. «Партия XXII съезди» колхозида ана шу тарзда ремонт қилинган пахта теріш машиналари текшириб кўрилганда катта камчиликлар аниқланди.

Баъзи запас қисмлар танқислиги маълум. Аммо, ишнинг кўзини билган колхоз ва совхоз раҳбарлари бу қийинчиликларни осонликча бартараф этаётирлар: шпиндель, шчетка, барабан ва бошқа деталларни янгилаш, уларга «жон» киритиш йўли билан ремонт ишларини жадаллаштирмоқдалар.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам ички имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Ўзбекистон район кишлок хўжалик бошқармасининг бош инженери ўрток И. Копцов билан суҳбатлашиб колсангиз бўлсангиз, ремонт ишлари суръати пастлигини ахиёт қисмлар етишмаётгани билан изоҳлашга уринади. Аммо айрим деталь ва қисмлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш ҳақида дурустроқ ўйлаб кўрмайди.

Машиналарнинг сифатсиз ремонт қилинаётганига яна бир сабаб шуки, айрим хўжаликларда бу иш кўпроқ очиқ ҳавода олиб борилмоқда. Қисмлар ерда, тупроқ устида ётилмоқда. Поп районидаги «Правда», Карл Маркс номли колхозларда эса шу кунларда ремонт қилинаётган машиналар атрофида фақат 2-3 кишигина ўймалашиб юрибди. Ҳамза Ҳакимзода номли совхозда аҳвол бундан ҳам бешбаттар. Қиммат баҳо деталлар тупроққа кўмилиб етибди.

Запас қисмларга эҳтиёж сезаётганимиз ҳақида «Узсельхозтехника» республика бирлашмасига мурожаат қилган эдик. Аммо талабимиз ҳамон қондирилмаётир. Илтимосимиз тезроқ инобатга олинишини истардик.

Г. ИОРИН.
«Узсельхозтехника» Фарғона область бирлашмаси ремонт бошқармасининг бошлиғи.

УЛУҒ ВАТАНИМИЗДА

Кончилар салюти

РУДНИЙ. (Қўрқ ўлка). Сарбай, Руда бошқармасининг кончилари якинлашиб келаётган шаҳтёрлар қучини бугун ўзларига хос салют билан кайд қилдилар. Улар мислсиз жуда катта портлаш уюштиргандикларн натижасида бир ярим миллион тонна тоғ жинси қўпорилди. Бу портлаш саккиз кубли иккита экскаватори йил бўйи узлуксиз иш билан таъминлаш имкониятини туғдирди.

Қоялар орасида сув ўтказувчи қувур

ДУШАНБА. Тожикистоннинг жанубида Куйбишев сув чиқариш системасининг иккинчи навбати қурилиб бўлди. Бугун чашмаларнинг тиник суви йигирма километрли қувурлар орқали тоғ яйловларидаги чорваларни суғориш пунктларига юборилди. Ҳозирдаёк бу ерда ўн беш минг гектардан кўпроқ майдон сув билан таъминланди.

Куйбишев системасини қуриш давом этмоқда. Бу иншоот йил охиригача қурилиб бўлади. Шундан сўнг жанубий Тожикистон хўжаликлари ўттиз минг гектардан кўпроқ сувли яйловга эга бўладилар.

Дон саралайдиган комбайн

УРАЛЬСК. Ўзиюрар комбайн хирмоннинг текис майдонидан юриб бормоқда. Мана у, бугдой уюми орасига ёриб кириши билан ток тўпланиб қўйилган бўғдой кўз олдингизда «ая» бошлайди. Автомашиналар бирин-кетин комбайн олдига келиб, топ-тоза дон билан тўлдирилган ҳолда жўнаб кетмоқда.

«Фрунзенский» совхозининг хирмонида ишлаётган бу агрегатга Леонтий Горбовнинг дон саралайдиган комбайни, деб ном берилди. Бу комбайн бир соатда саксон тоннага якин донни тозалаб ва саралаб беради.

Қишлоқ механизатори Л. Горбов шу машинани яратиш учун 15 йил меҳнат қилди. Уральск механика заводининг жамоат конструкторлик бюросидаги мутахассислар унга инженерлик ҳисоб-китобини тузишда, иш чертёжларини тайёрлашда ёрдам кўрсатишди.

Горбов яратган бу машина донни ўзи ўлчаб, белгилаб қўйилган миқдорда автомашинага юклаб беради.

«Манас»—янги шифохона

МАХАЧҚАЛА. Каспий денгизи соҳилидаги хушманзара водийда, Махачқалага якин жойда «Манас» деган дам олиш уйи очилди.

Тоғ этагидаги ерда бир жойга енгил чиройли коттеджлар қурилган, иккинчи бир жойга палаталар ўрнатилган. Клуб, кутубхона, спорт в рақс майдончалари, кенг ошхона дам олувчилар хизматига ҳамиша тайёр.

Дам олиш учун келган дастлабки 200 киши орасида Дағистоннинг нефтчилари, бинокорлари, балиқчилари ва ўқитувчилари бор.

Бутун мамлакат пейзажлари

ФРУНЗЕ. Совет рассомлари асарларининг бу ерда очилган кўргазмаси Қирғизистон пойтахтидан четга чиқмай туриб, жонажон бўлган бўйлаб саёҳат қилишга имкон беради.

Санъат шинавандалари РСФСР халқ рассомлари А. Гринталь, В. Мешков, СССР халқ рассоми А. Дейнека полотноларида акс эттирилган Россиянинг ўрта минтақаси ва ундаги оқ қайинларнинг чиройли манзараларини кўриб бўлганларидан кейин, СССР халқ рассоми М. Сарьяннинг, унинг ҳамкасби Л. Кожиннинг чизган суратларида кўйлаган серкуёш Арманистонга ўтганлар. Бу виставкани кўрган кишилар Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги рассомларнинг табиат манзараларини гасвирлаган суратларини кўриб, ўзларини Болтик денгизи ва Кора денгиз соҳилларида, Ўрта Осиёнинг жазирама даштларида ва қаҳратон Тундрада бўлгандек ҳис киладилар...

175 ёшга тўлган завод

ДЯТЬКОВО, (Брянск области). Дятьково Биллур заводи бу йил 175 ёшга тўлди. Бу йил Дятьково биллурчилари чиройли идишларини кирпка яқин янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Дятьковода идишлар ясаш конвейер усулида олиб борилмоқда. Меҳнатнинг бундай ташкил этилганлиги ишлаб чиқариш суръатларини оширишга имкон берди. Завод етти йиллик топшириғини ўтган йил март ойидаёқ бажариб қўйди.

(ТАСС).



ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Ўзбекистон картасига бир назар ташланг: Амударё соҳилида кичкина қора белгини кўрасиз. Бу республикамизнинг энг жанубий шаҳри Термиздир.

Сурхондарё областининг архивида шаҳримиз тарихига доир ажойиб ҳужжатлар сақланади. Октябрь социалистик революциясигача Термиз шаҳри Бухоро амирлигига қараган. 1927 йилларда шаҳарда фақат иккита медицина муассасаси, иккита биринчи ва иккинчи босқич рус мактаби — битта биринчи босқич ўзбек мактаби ва педагогика техникуми бор эди. Буларда ҳаммаси бўлиб шаҳар аҳолисининг кичик бир қисмигина таълим оларди, холос. Шаҳар пастқам уйлар, ниҳоятда тор кўчалардан иборат эди. Советлар даврида шаҳримиз қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Аҳоли революциядан кейинги даврда тўрт мартадан ортиқ кўпайди. Фақат кейинги беш йилнинг ўзида 52 656 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Дарё портида, биринчи шаҳарчада ва шаҳарнинг бошқа чеккаларида шинам уй-жойларни ўз ичига олган янги микрорайонлар барпо этилди. Бу ерда мактаблар, кинотеатрлар, магазинлар, янги автобус йўллари қурилди. Шаҳар водопровод қувурларининг узунлиги 34,7 километр узайтирилди, тўрт мингдан ортиқ хонадон газлаштирилди. Шаҳарни кўкламзорлаштириш ва ободонлаштиришга ҳам катта эътибор берилди. Ярим миллиондан ортиқ турли мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Бир неча хиёбон ва боғлар бунёд қилинди. 150 минг квадрат метрдан ортиқ йўлга асфальт ётқизилди. 1960—1964 йиллар мобайнида шаҳарни ободонлаштириш ишларига ҳаммаси бўлиб маҳаллий бюджетдан 725,6 минг сўм маблағ сарфланди. Шаҳар йилдан-йилга ўсиб, унинг ҳуснн-жамоли тобора очилиб бормоқда.

Шаҳар меҳнаткашлари сайлов кампанияси даврида, шаҳар Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувларда шаҳар ободончилиги ҳақида кўпгина таклиф ва танқидий мулоҳазалар айтдилар.

Сайловдан сўнг шаҳар Советининг сессиясида сайловчиларнинг наказлари умумлаштирилди. Шу билан бирга шаҳарни ободонлаштириш ҳақидаги ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, сайловчиларнинг наказларини амалга ошириш тадбирлари белгиланди. Чунончи Новая, Саккизинчи март, Колхозная, Деповская ва бошқа кўчалар ободонлаштирилди. 8 Март кўчасига водопровод ўтказилди. Пролетарская ва бошқа кўчалардаги ариқ тармоқлари тартибга келтирилди. Шунингдек, шаҳар водопровод қудуқлари тозаланди. Йил охиригача Гагарин кўчаси, вокзал майдони ва унинг қаршисидаги майдонни ободонлаштириш ишларини тугатиш мўлжалланяпти.

Сайловчилар наказларини амалга оширишда шаҳар Совети ижроия комитетининг депутат М. А. Писанов бошчилик қилаётган коммунал хўжалик ва ободонлаштириш доимий комиссияси актив иштирок этмоқда. Ушбу комиссия ташаббуси билан ижроия комитет йиғилишида сайловчиларнинг шаҳарни ободонлаштириш ва коммунал хўжалик ишларини яхшилаш ҳақидаги наказларининг бажарилиши қандай кетаётганлиги муҳокама қилинди.

Бу масала ижроия комитет муҳокамасига қўйилишдан олдин доимий комиссия аъзолари депутат Т. С. Фидотова, О. С. Левенко, В. Г. Инюкин, Б. Ф. Витвицкий ўртоқлар сайловчилар ҳузурида бўлиб, уларнинг наказлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида суҳбатлашдилар. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириб, ижроия комитетга топширдилар. Ана шундай тажриба ободонлаштириш масалаларини тезроқ ҳал қилиш, шаҳар аҳолиси эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бор резервлардан рационал фойдаланиш имкониятини беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, доимий комиссия аъзолари билан бир қаторда шаҳар Советининг бошқа депутатлари ҳам ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ана шундай жонкуяр депутатлардан бири А. Ф. Сидоренкодир.

У ўз сайловчилари билан тез-тез учрашиб, уларнинг ишлари, ҳаётлари, турмушлари билан яқиндан танишади. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини диққат билан ўрганади. Шундан сўнг депутат шаҳар ижроия комитетига конкрет таклифлар билан келади.

Депутат халқ хизматкоридир. Шундай экан меҳнаткашларнинг наказларини бажариш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

Т. ХУЖАҚУЛОВА,
Термиз шаҳар ижроия комитетининг раиси.

● ● ●

Мадад

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ ЭКОНОМИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекларни элларарО таниталб ва улуглаб турган нарса «оқ олтин»имиз. Узоқ элларга сайр-саёхатга чиққанимизда «пахтакор элдан» деб кутишади бизни. Пахтакорларимиз ана шу кунларда касбкорини тағин ҳам улуглаш ҳаракатида ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришнинг якунловчи тадбирларини кўрмоқдалар.

Пахтачиликни ривожлантиришга республикамиздаги турли касб эгалари муносиб ҳисса қўшаётирлар. Дастгоҳ ёнида турган ишчи ҳам, илмий иш олиб бораётган олим ҳам, назарий фикрлар асосида амалий хулосалар чиқараётган мутахассислар ҳам пахтакор меҳнатини енгиллаштириш, истаги билан банд. Фақат истак эмас, фикри-зикри билим ва ғайратини пахтачиликни бутунлай механизациялаш ишига сафарбар қилаётганлар ҳам жуда кўп. Улар орасида Тошкентдаги «Узбекхлопкомаш» заводи коллективи ҳам бор. Корхона меҳнаткашлари асосан пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктлари учун зарур машина-ускуналар ишлаб чиқарадилар. Шу борада анчагина ишлар қилинди. Пахта тозалаш жараёнларини такомиллаштириш ва тезлаштириш, пахта қабул қилиш технологиясини яна ҳам яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилянти.

Пахта тайёрлаш ва тозалаш корхоналаридаги мавжуд техникани сифатли ремонт қилишга ёрдам берадиган чидамли эҳтиёт қисмлар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Етти йилликнинг кейинги йилида корхона пахта тозалочилар меҳнатини енгиллаштиришга ёрдам берадиган қандай машина-ускуналар яратди? Уларнинг афзалликлари нимадан иборат? Шу савол билан корхона бош инженери Георгий Павлович Лундинга мурожаат қилдик. Бош инженер бир оз сукут сақлагач, бу ҳақда завқланиб ҳикоя қила кетди.

— Кейинги бир йил мобайнида корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари пахта тозалаш ва тайёрлаш корхоналари ишини такомиллаштиришга имкон берадиган бир қатор машина ва аппаратлар яратдилар, — дейди ўртоқ Лундин.— Уларнинг афзалликларини ҳикоя қилиб бериш учун анча вақт керак. Мен шулардан баъзилари тўғрисида қисқагина сўзлаб бера қолай.

Корхона шу йилнинг ўтган ойларида пахта пунктлари ва заводларига «ПЛА» маркали тасмали питателлардан қариб 900 та, «ТЛХ-18» транспортёрлардан 1000 та ва момиқ ажратувчи аппаратлардан ҳам кўпгинасини тайёрлаб жўнатди. Корхона коллективи йилнинг колган ойларида ҳам ғайратшижоат кўрсатиб ишлайдилар, камида яна шунча машина-ускуна ҳамда аппаратлар ишлаб чиқарадилар. Уларнинг ҳаҳдпаймони ана шундай.

«ПЛА» маркали тасмали питателлар завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ичида энг янгиси ҳисобланади. Бу ускуна илгари тайёрланиб келинган «ПЛ» ва «ПТХ-2» питателларига қараганда анчагина афзалликларга эга. «ПЛ» питателининг барча яхши жиҳатларини «ПЛА» питателида тўла кўришимиз мумкин. «ПЛ» питатели тасмасининг йўналтирувчиси йўқлигидан кўпинча қийшайиб кетар, римболтга ҳаддан ташқари кўп ишкаланиши оқибатида тезда ишдан чиқарди. Узилиб кетган тасмани улаб, яна қайта ишга тушириш кўп вақтни олар, шунинг натижасида пунктнинг иши сусайиб кетарди: карвон-карвон пахталарни тез қабул қилиб олишга имкон бўлмасди.

Эни 1400 миллиметрли тасмалар камчил бўлиб, эҳтиёт қисмлар етишмасди. Ишлаб чиқариш янги ўзлаштирилган питателлар 600 миллиметр кенглиқдаги икки қатор тасмалар билан жиҳозланган. Бу эса уларнинг таранглигини созлашни осонлаштиради. Тасмаларнинг таранг ҳолатда ишлаши машинанинг четга сурилишига йўл қўймайди. Шунингдек, тасмаларга резинали қуббалар ҳам ўрнатилган. Шу йўл билан пахта тасмага осонгина илашади, питателнинг иш унуми ҳам ортди.

«ПТХ-20» питателга автомашиналардан, прицеплардан пахтани бўлиб-бўлиб тушириш шарт эди. Бу эса пунктларда пахта ортиб келган машиналарнинг кўплаб бекор туриб қолишига сабаб бўларди. «ПЛА» питателида бу камчиликлар мутлақо йўқ. Энди ликда пахтани автомашинадан бирданига тушириш мумкин. Натижада пахта тайёрлаш пунктлари ҳосилни кеча-кундуз қабул қилиб олаверади.

«ТЛА» транспортёри ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда. Уларни тайёрлашда қиммат материал ўрнига арзон темир профиллардан фойдаланилмоқда. Янги типдаги машина «6 Т 102 М» маркали транспортёрларга қараганда анча енгил. Стреласининг кўтарилиш оралиги ҳам катта — 5 метрдан 12 метргача «қанот» ёза олади. Бундай «қанот» билан ҳар қандай бунтларга ҳам пахта узатиб бериш мумкин. Аввалги «6 Т 102 М» маркали транспортёрнинг стреласи лебедка ёрдамида қўл кучи билан кўтарилади. Бу операцияга камида 10-15 минут вақт сарфланарди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган транспортёрнинг «қаноти» автомат усулида кўтарилади ва туширилади. Бу операцияга фақат 3-4 минутгина вақт кифоя қилмоқда.

Илгари ишлаб чиқарилган транспортёрларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш машақкат эди. «ТЛХ-18» транспортёри резина билан қопланган ғилдиракларга эга. Уларни ўнғайлик билан бошқа бунтларга кўчириш мумкин. Бу хилдаги транспортёрлар пахта тайёрлаш пунктлари ходимларини жуда мамнун қилмоқда.

Пахта тозалаш саноатида толани чигитдан тўла-тўкис ажратиб олиш энг муҳим иш ҳисобланади. Мавжуд «ПМП-160» маркали момиқ ажратувчи машиналар эндиликда талабга тўла жавоб беролмай қолди. Бу хилдаги машинадан уч қайта ўтказилган чигитда ҳам майда толалар қолиб кетмоқда. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётган «2 ЛКХ» момиқ ажратувчи аппарат жуда яхши чиқиб колди. У, биринчидан, чигитдан энг майда — бир-икки миллиметр узунликдаги толани ҳам қолдирмай тозалаб олади. Иш унуми эса олдингиларига нисбатан 1,8 марта ортиқ. Янги маркадаги момиқ ажратувчи аппаратнинг тажриба нусхаси синаб кўрилди. Йил охиригача бу хилдаги ускуналардан 38 таси ишлаб чиқарилади ҳамда республикамиз пахта тозалаш заводларига юборилади, синаб кўрилади.

Э. ЭРГАШЕВ,
инженер, «Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз муҳбири.

Раҳима Ҳамроева ўрта мактабни тамомлаб, Ғиждувон рай.онидаги «Пахтаобод» колхозининг сут-товар фермасига ишга келганидан буён ҳали орадан бир йил ҳам ўтгани йўқ. Лекин бу чаққон ва меҳнатсевар қиз ана шу қисқа вақт ичида илғор сут соғувчилар қаторидан ўрин олди.
Суратда: Р. Ҳамроева.

ШОВОТДА СУСТКАШЛИК

Шовот райони пахтакорлари бу йил давлатга 36,6 минг тонна «оқ олтин» сотиш, ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш, машинада 12,1 минг тонна пахта териш мажбуриятини олиб, гурланликлар билан мусобақалашганлар. Далада юксак ахдга яраша ҳосил тўпланган. Шу кунларда ҳосилга ҳосил қўшиш давом эттирилмоқда.

Киров номли, «Москва» ва «Партия XXII съезди» колхозларида мўл ҳосил нишоналари кўзга кўриниб қолди, кўсаклар бирданкетин очила бошлади. Бу — терим тез кунда бошланади, деган гап. Илғор колхозлар йиғим-теримни ўтказиш тадбирларини белгилаб, бу муҳим кампанияга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Киров номли ва «Москва» колхозларида терим машиналари ва транспорт воситалари тўла тахт қилинди. Йўл-кўприклар, хирмон жойлар тош-тарозилар ремонтдан чиқарилди.

Бироқ, районнинг кўпчилик колхозларида йиғим-терим тараддуди кечикмоқда. 172 та хирмон жойдан кўпчилиги ремонтсиз ҳолда ўт босиб ётибди. 183 тарозидан 51 таси тайёр, холос. 180 автомашинадан ярми ремонт қилинмаган. 60 терим машинаси ҳам «Узсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасида ремонтсиз турибди. 6 та қуритиш-тозалаш цехидан энди тўрттаси тайёр бўлди.

«Ўзбекистон» колхозида хирмон жойлари ремонтига ҳали киришилмаган. Тош-тарозилар ремонтсиз, ўлда-жўлда, йўллар нотекис, кўприклар бузуқ. Колхоз раиси М. Мадраҳимов «теримга ҳали вақт бор» деб, бепарволик билан юрибди. «Коммунизм» колхозининг раиси Т. Жумабоев ҳам хирмон жойлар ремонтини бошлаб юборишни негадир пайсалга солмоқда.

Терим машиналари ремонти кечикиб кетди. Аммо, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг директори Р. Тоҳиров қолоқликни баҳонэ билан қоплаш йўлига ўтиб олган. Ҳадеб запас қисмлар етишмаслигини рўкач қилади. Лекин бор бўлган деталь ва қисмлардан фойдаланиб, ремонтни тезлатиш чораларини кўрмаяпти.

Районда қоп-қанор ва этакларни тайёрлашга ҳам бефарқ қаралмоқда. Терим даврида 18 минг 300 та қанор, 16 минг 900 та этак талаб қилинади. Шундан бир минг-та қанор, 2500 этак тайёрланган, холос. Шовот, Бўйрачи ва Моноқ тайёрлаш пунктларида терим тараддуди ҳақида гап кўп-у, амалий иш кам.

Шовот райони ва колхозларининг раҳбарлари йиғим-теримга тайёргарлик соҳасидаги нуқсонларни тугатиш тадбирларини тез ва қатъият билан амалга оширишлари лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

Мухлисларга СИГНАЛИ

ҲАНГОМА

— Янги грампластинкалардан борми? — сўрадим Самарқанд шаҳридаги 58-маданий моллар магазини сотувчисидан.

— Йўқ.

Шаҳардаги 86-грампластинка магазинидан ҳам шунақа жавоб оласиз. Нима қилишимизни билмай турганимизда, танишимиз «юринглар, мен сизларни грампластинка бозорига олиб бораман» деб қолди. Автобусга ўтириб Самарқандининг ноқ биринда жойлашган чайқов бозорига етиб келиб қизиқ ҳангоманинг шоҳиди бўлдик. Ана пластинка бозори, мана пластинка бозори!

Бир пластинка бир сўм.

— Не, магазинда 35 тийин туради-ку!

— Олсангиз шу, чидаганга чиқаргиз-ку, урди чайқовчи.

Узоқ ўйновчи грампластинка эса 2 сўм 50 тийиндан пулланилянти. Самарқандда пластинкалар чайқовчи-текинхўрлар қўлида текин даромад манбаи бўлиб қолганига ачинасан киши.

О. ЖУРАЕВ,
Н. АЛМАМАТОВ.

КЛУБМИ, ҲАММОМ?

«Маҳалли» совхози Киров районидаги энг йирик хўжаликлардан бири. Унинг 4 та бўлими бор. Биринчи бўлимда механизаторларга яхши маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳақида қайғурилмаётир. 3 та уч хонали уй бузилиб, клуб қурилган эди. Клуб жиҳозланмаган. Одамлар баъзан кўрсатиладиган кинофильмларни тинка туриб кўрадилар. Бунинг устига унинг торлигидан ёзда кино кўрган одамлар худди ҳаммомга тушгандай терга ботадилар.

Совхоз раҳбарлари тузукроқ клуб қуриш ҳақида қачон бош котирадилар?

Х. ЖУМАБЕКОВ,
Сирдарё области.

ҲОСИЛ МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

Мирзачўлдаги Ленин номли совхознинг механизаторлари ўз олдиларига даладаги ҳосилнинг учдан икки қисмини машинада териб олиш вазифасини қўйдилар. Устахоналарда қизғин иш кечаю кундуз давом этаётир. Сўнгги терим агрегатлари ремонтдан чиқарилмоқда. Кўп ўтмай, юздан ортиқ пахта териш машинаси теримга шай қилиб қўйилади. Кўрак териш машиналари, кўрак тозалаш машиналари ҳам тайёр қилиб қўйилди. Пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплларнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилди.

Пахтани машинада теришда юқори кўрсаткичларга эришган илғор бўлимлар ва бригадаларнинг коллективларига кўчма Қизил байроқлар топширилади, мукофотлар берилади. (ЎзТАГ).

Қисқа сатрлар

ФАРҒОНА. Ўзбекистон районидаги «Ўзбекистон» колхози қишлоқларида 4 та янги типовой магазин қурилиб фойдаланишга топширилди.

С. Холматов.

СУРХОНДАРЁ. Сариосиё районидаги «Ленинизм» колхозида 8 километр йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, «Ленинград», «Правда» колхозларида ҳам бир неча километр йўл асфальтланди.

А. Хасанов.

ҲИЖРОНДАН СЎНГ

КОММУНИЗМ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Раҳматой турмуш ўртоғи Эшонқул Ботировни Қизилтепа станциясида Ватан мудофаасига кузатиб қолди. Орадан бир неча кун ўтгач, унинг кўзи ёриди. Чақалоққа Нишон деб исм қўйди. «Янги меҳмон» отасининг мардлигидай бир нишона бўлсин, деди она.

Урушнинг машаққатли кунлари... Раҳматой ночорликдан Каттақўрғондаги қариндошларинникига жўнайди. Йўл азоби онани ҳолдан тойдиради. У йўлда хушсиз ётиб қолади. Тилсиз гўдак она бағрида тамшаниб йиғларди. Йўловчилар Раҳматойни касалхонага жўнатадилар. Гўдакни Каттақўрғондаги Будённий (хозирги Крупская) номли колхоз аъзоси Қумри опа Содиқова ўз уйига олиб кетади.

Бола Ҳамид ака Тошнов оиласида Тошқувват номи билан тарбия топди. Қумри опа ва Ҳамид ака болага бутун ота-оналик меҳрини ҳадя қилишди. Тошқувват қишлоқдаги Киров номли мактабда ўқиб, комсомол сафига кирди. Бундан уч-тўрт йил аввал у Тугмахон Тўйчиева билан турмуш қуриб, Фахриддин ва Озода деган ўғил-қизли бўлди.

Раҳматой Файзиева яқинда Самарқанд —Бухоро маршрути бўйлаб қатнайдиган автобусда ўзи билан ёнма-ён ўтирган йўловчига воқеани айтиб берди. Каттақўрғонлик йўловчи Баҳриддин ака Раҳматойга Крупская номли колхозда тарбия топиб улғайган етим болалар борлигини айтиб, Нишонни топишда унга ёрдам берди.

Яқинда Баҳриддин ака Раҳматой Файзиевага хат ёзиб, уни Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозга таклиф этди. Шундай қилиб, чорак асрдан сўнг она билан бола дийдор кўришишди.

— Йўқотган бола — Нишонимни бағримга босиб қувончдан йиғлаб юбордим, — дейди Раҳматой Файзиева, — барака топгур ўғлим марҳум отасининг худди ўзгинаси.

Дийдор кўришган онабопанинг қувончлари бир олам.

— Етимликни билганим йўқ. Ҳамид акани ота, Қумри опани она деб ўсдим.

Она-бола сахий қалбли, ҳиммат ли кишиларга минг раҳмат айтди.

Шу кунларда Ҳамид ака Тошонов, Қумри опа Содиқова, Раҳматой Файзиевалар бир-бирларига азиз ва меҳрибон бўлиб қолдилар. Бухоро область Қизилтепа станциясида яшовчи Раҳматой ўғлини тарбия қилиб вояга етказган Ҳамид ака ва Қумри опадан умрбод миннатдор.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АФҒОНИСТОНДА БАЙРАМ

Шу кунларда дўстимиз — Афғонистон ўз мустақиллиги кунини нишонлаяпти. Афғон халқи оғир ва машаққатли кураш натижасида мустақилликка эришди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида инглиз мустамлакачилари Афғонистонга уч марта бостириб кирдилар. Лекин босқинчилар жасур афғон халқини тиз чўктиролмадилар. Эрксевар афғонлар интервентларни муқаддас афғон еридан қувиб юборилар. 1919 йилда Афғонистон мустақиллиги эълон қилинди.

1919 йил 27 мартда Советлар Россияси жаҳонда биринчи бўлиб Афғонистоннинг мустақиллигини таниди, афғон халқини буюк галаба билан табриклади. Шунингдек, Совет давлати афғон халқини ўзаро дўстликка, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенг кўламда ривожлантиришга чақирди. Инглиз корчалонларининг ҳар қандай тўсқинлик қилишига қарамасдан 1921 йил февраль ойида совет—афғон дўстлик битими имзоланди.

Ёш Совет Россияси ўзининг иқтисодий қийинчиликларига қарамай Афғонистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш учун, унга иқтисодий ёрдам бериб, ўзининг дўстлик бурчини бажарди. 1926 йили ҳар икки мамлакат ўртасида беш йил муддатга бетарафлик ва бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома имзоланди, 1931 йилда эса бу шартнома яна тикланди. Бу шартномага асосан ҳар икки мамлакатнинг халқлари тинч-тотув яшаш принципларини назарда тутиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенг ривожлантиришга киришдилар. Кейинги йилларда, яъни 1956 йилда юқоридаги шартноманинг муддати 1966 йилгача узайтирилиши ва 1965 йил августида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳнинг СССРга қилган расмий визити вақтида совет—афғон баёноти имзоланиши ҳар икки мамлакат ўртасида граждион дўстлик муносабатлари яна 10 йил муддатга узайтирилиши совет — афғон халқи ўртасидаги дўстлик абадий эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Афғонистоннинг социалистик мамлакатлар, айниқса Совет давлати билан бегараз иқтисодий ва техникавий ҳамкорлиги мамлакат экономикасини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Кейинги ўн йил ичида СССР ёрдамида Кобил шаҳрининг ўзида нон комбинати, асфальт-бетон заводи, Жангалаи авторемонт заводи, ун қуриш комбинати ва Кобил аэропорти каби йирик иншоотлар қурилиб, афғон халқи ихтиёрига топширилди.

Совет Иттифоқининг иқтисодий ёрдами самараларини Афғонистоннинг деярли барча вилоятларида кўриш мумкин. Аслар давомида қақшаб ётган Жалолобод ўлларига Кобил дарёсидан канал орқали сув чиқарилиши, шимолий вилоят билан марказни боғловчи Солянг автомобиль магистрали, шунингдек, Кушка — Ҳирот — Қандаҳор йўлларининг барпо этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Бу ажойиб иншоотларни қуришда совет мутахассислари ва афғон меҳнаткашлари жонбозлик кўрсатдилар. Совет—афғон дўстлиги ана шу корхона ва объектлар қурилиши жараёнида янада ривожланди.

Ҳиндикушда, 3 минг метрдан ортиқ баландликда қурилаётган йўл ҳам дўстлик рамзи ҳисобланади.

Ўтган йили сентябрь ойида Соланг автомобиль магистралининг тантанали очилиши маросимида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ ўз нутқида совет мутахассислари билан афғон ишчилари ўртасида кўп йиллар давомида вужудга келган ажойиб дўстликни таъкидлаб шундай деди: «Совет мутахассислари ва ишчилари афғон ишчилари билан елкама-елка туриб ишлаб, меҳнатда ажойиб жонбозлик кўрсатдилар ва барча қийинчиликларга бардош бердилар. Дарҳақиқат, улар буюк иншоотнинг қурилишига катта ҳисса қўшдилар. Бу иншоот икки қўшни мамлакат ўртасидаги дўстликни мустаҳкам рамзи бўла олади».

Афғон халқининг совет халқига ва унинг ҳукуматига бўлган чексиз муҳаббати кун сайин ортиб бораяпти. Чунки ҳар икки мамлакат ўртасида кенг ривожланаётган ўзаро манфаатдорлик ва тенгҳуқуқлилик шартномаларининг имзоланиши, уни амалда бажарилиши бунга ёркин мисол бўла олади. Соланг йўлининг тантанали очилиш маросимида қатнашиб, ўзаро тенгҳуқуқлилик битимларининг самарасини таъкидлаб, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўз нутқида—«Биз бу ажойиб Соланг йўлининг тантанали равишда очилиш маросимида қатнашяпмиз. Бу йўл ҳар икки мамлакат ўртасидаги самарали, тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатдор бўлган ҳамкорликнинг ёркин мисолидир. Афғонистонда энг муҳим магистрал ҳисобланган бу йўл мамлакат марказини шимолий районлар билан боғлаб, унинг табиий бойликларидан баракали фойдаланиш имконини беради, шунингдек Афғонистоннинг миллий экономикасини тараққий эттиришда жуда катта роль ўйнайди.

Шу йилнинг апрелида Афғонистон Бош министри доктор Муҳаммад Юсуфнинг расмий визити вақтида икки мамлакат ўртасида имзоланган совет—афғон ахборотида акс эттирилишича, бундан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлик кенгайиб, мустаҳкамлана боради. Ахборотда Панж ва Амударё сувларидан биргалликда комплекс фойдаланиш соҳасидаги ,лойиҳа-қидириш ишлари ҳақида битим тузилганлиги, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо мукосабатлари яхши ривожланиб бораётганлиги мамнунлик билан қайд қилинган.

СССР билан Афғонистон ўртасидаги мукосабатлар турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ленинча принципларига амал қилинаётганлигининг ёркин намунасидир.

Ж. БОЛТАБОЕВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

Институтдан таъби хира қайтган Лафзий диванда аганаб, газета варақларкан илмий советда пўстагини қоқкан сектор мудири Миркобиловнинг башарасига унинг кўз олдидан ҳеч нари кетмаси. Одам ҳам шунақа беандиша бўладими? Институтга келганига бир йил бўлар-бўлмас ҳамма ёқни агдар-тўнтар қилиб юборди-я, бу Миркобилов! Ўзи Лафзийнинг ўғли тенгидай нарса-ю, ишга келганда отасининг танимайди. Кўпчиликнинг ўртасида тағин келиб-келиб Лафзийга нима дейди деп? «Ойлиқни оқлаш керак, домла! Папкаларнинг каттасини қўтариб, гап сотиб юрадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Бизга илмий иш керак, чинакам асар керак. Тайёрланиб юринг, яна уч ойдан кейин илмий ҳисобингизни эшитамиз», дейдия, бу шанкок. Лафзий мудирни «Сен жўжахўроз қаёқдан чиқиб қолдинг ўзи? Биз олимлик даргоҳига бош суқканда сен олти ойлик чақалоқ эдинг-ку, ҳумпар», деб тоза бопламоқчи бўлувди, юраги бетламади.

Лафзийнинг кўнглига газета ҳам сигмади. Ундаги сатрлар кўзига от қўйиб кетаётган суворийларга ўхшаб кўринаверди. Бош оғриги турди (кечаги ичкиликнинг касри бўлса керак), олти яшар болининг теписи тушгандек бели санчди. «Менга нима бало бўлди, ўзи?— деди ичида домла. — Иш орқага кетганга яраша саломатлик ўрнида турсачи! Э, нималар деяпман, ўзи? Нега иш орқага кетар экан? Мендай одам осонликча жон берарканми? Йўқ, сичқонинг тирнаги, арслоннинг ўлиги. Лотин алифбоси пайтида илмий мақолалар ёзган Лафзий олтмишинчи йилларда ҳам қалам суради. Мен бу кўринмак шогирдларга кимлигимни кўрсатиб қўяман, ҳали!».

Лафзий дивандан шиддат билан туриб, дастрўмолини тепакал бошига ёпди-да, лапанглаганча бориб, буфетни очди. Ўнда бир шиша «Мускат» ни олгандан туширмади. Эртадан бошлабоқ институтдан ижодий отпуска олиб, бу ишга жиддий киришажагини, кейин журналда мақола бостириб ҳаммани қойил қилдиражагини қайта-қайта айтиб роса мақтанди. Хотини, «олдин қойил қилиб, кейин мақтанинг» деганда, «ишингиз бўлмаси, сиз ўрта мактаб муаллимисиз, аклингиз етмайди», деб пишқириб берди.

Домла Лафзий дарҳақиқат эртасидан бошлаб бу ишга астойдил киришди. Аввало Миркобиловга телефон қилиб, муҳим проблемага оид илмий иш ёзмоқчи эканлигини, ҳозирча унинг плани билан овора бўлганидан икки ҳафтача институтга боролмаслигини айтди. Кейин чўнтагига дафтарча билан қалам солиб, маҳалладаги озиқ-овқат магазинига чиқди. Чунки винони бир кун аввал магазинчи Долим акадан сотиб олган эди.

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

МУСКАТ

Лафзий магазинчи билан саломалик қилгандан кейин, дарҳол мақсадга кўчмай, пича у ёқ-бу ёқдан гаплашди. Долим ака кейинги кунларда савдо яхши кетаётганлигидан отнинг қашқаси бўлиб колган баъзи кимсаларга мутлақо ичкилик сотмай қўйганидан ғапирди. Домла мавзу ичкиликка кўчганига хурсанд бўлиб, «Мускат» қалай кетяпти?» — деб сўради.

— Бунинг ҳам харидори топилиб туради,— деди магазинчи домлага кўз ойнак устидан қараб.— Уни кўпроқ ўзларига ўхшаган домлалар ёқтиришади.

— Сиз савдо соҳасида кўп йилларди бери ишлайсиз, оқсоқол деди Лафзий. — Бу «Мускат» дегани кимлигини ҳеч эшитганмисиз? Бу ўзбекча сўз эмасмиши?

— Мускат, Мускат... — Долим ака дўпписини кўтариб, бош қашлаб қўйди. Кейин гугурт сўраб кирган болалик жувонга гугурт узатди.

— Мускат. — Уттиз олтинчи йилда биз «Мускат»ни Пискантдаги базадан олардик. Узуми ҳам ўша ерда битса керагов...

Бу гапни эшитган Лафзийнинг суюнганидан юраги қоқ ёрилаёзди. Одам халқ ичида бўлиш керак, ундан ўрганиш керак, деб шуни айтадиларда! Мускат — Пискат! Буни қаранг-а!

— Яшанг оқсоқол! — Лафзий шундай деди-ю, хайр-маъзурни насия қилиб магазиндан чиқиб кетди. Долим ана ўзи нима гаплигига тушунмай қолаверди.

Домла шу куниёқ бир даста оқ қоғоз олиб, унга «Мускат» сўзи ва унинг пайдо бўлиш тарихи» деб сарлавҳа қўйди-да, бу сўз уни бекорга қизиқтирмаганлигини, у кўп йиллардан бери тилшуносларимиз пиқкатэътиборидан четда колиб келаётганлигини айтиб, классикларнинг тил бобида айтган гапларидан уч-тўртта цитатани текстга шимдириб юборди. Бу сўзнинг тарихини халқ орасидан ахтарганини баён қилганидан сўнг, қаламни қўйишга тўғри келди. Нега деганда Мускатни билмоқ учун Пискатга — яъни Пискент районига бориш, унинг тарихини ўрганиш зарур эди. Лафзий Пискентга бормаёқ, бу муаммони ҳал қилмоқчи бўлди. Ўтириб Пискентда истиқомат қилувчи қайнатасига узундан-узоқ дуои салом ёзиб, «бир келиб кетишни, маслаҳатли муҳим иш борлигини» таъкидлади. Иш бир юришса, юришиб кетади, дегандаридек, эртаси ўтиб, иккинчига ийнга ҳалдослаганича пенсионер қайнатаси кириб келди.

Қайнатанинг келгани бир жиҳатдан яхши бўлса, иккинчи жиҳатдан ишни баттар чигаллаштирди. Нега деганда у олим куёвига «Пискент» сўзини ўрганиш билан бир қаторда «Парнент», «Ўзгент», «Тошкент» ни ҳам сўзларни ҳам бир йўла ўрганишни маслаҳат берди. Буларни яхшилаб билиб олса, «Мускат» сўзи ўз-ўзидан маълум бўлиб қоларми. Айтмоқчи, қайната куёвига Пискентга бориб бир ой-ярим ой туришни ҳам маслаҳат қилди. Чунки у ўн яшарлигида Пискентнинг қаеридадир Мушкент деган қишлоқ борлигини эшитган экан. Уйга қайтиш биланоқ бунг суриштириб, аниқласа, дарҳол куёвига мактуб ёзишга ваъда берди.

Шу тариқа домла бошигача ишга кўмилди. Икки марта Пискентга бориб келса ҳам Мушкентдан дарак тополмади. «Паркент», «Тошкент», «Ўзгент»лар Мускатга ҳеч яқин келмасди. «Мусбат», «мусибал» сўзлари ҳам чап бериб кетди. Шундай бўлса ҳам, бари бир у изланишларини қоғозга туширавериди. Илмий иш ҳўппаш дегунча сал кам бир босма листга етай деб қолди. Бироқ илмий хулосадан мутлақо дарак йўқ, «Мускат» ҳануз Мускатдигича турар эди.

Лафзий институтга ҳафтада бир марта бориб, илмий ишни жадал олиб бораётганлигини айтиб турар, ҳатто иш шу йўсинда кетса, ундан монография тугиласа ажаб эмас, деб ҳам қўярди. Мудир Миркобилов ва бошқа олимлар Лафзийдан, қандай мавзуда ёзилсиз, дейишувди, бу ҳозирча сир, айтсам, бошқа одам олиб кетиши мумкин деб, мавзуни пинҳон тутди.

Илмий советда ҳисоб берадиган вақт яқинлашганда, Лафзий директор номига ариза ёзиб, монографияни ёзиб тамомлаш ва нашрга тайёрлаш учун олти ойлик ижодий отпуска сўради. Гарчи у уч йилдан бери бир сатр илмий иш ёзиб топширмаган бўлса ҳам, дирекция эора иш чиқса деб илтимосини қондирди. Бу муддат ичида Лафзий жуда кўп «Мускат»ли шишаларни бўшатиб, уларнинг этикеткаларини йиғди. Пискент у ёқда турсин, ҳатто Чимкентга бориб келди. Бўка районда Алимкент деган қишлоқ борлигини эшитиб қолувди, уч кун ўша қишлоқда бўлиб, кўп одамни ишдан қўйди. Ҳатто «Фурқат», «Тўхмат», «Ғаффат», «Пирмат» деган сўзларни ҳам илмий ишга киритиб, «Мускат»га қиёс қилди. Бироқ илмий саволга илмий жавоб ҳануз топилмаган эди.

Лафзий бир куни Фурқатнинг шеърлар тўпламини варақларкан, кўзи шоирнинг бир ғазалидаги Мушк анбар» деган сўзга тушиб қолди. Бу «хушбўй нарса» дегани эмасми,— ўйлади олим. — Шошма, энди топдим. Мускат ҳам хушбўй нарса, яъни шароб-да. Қани, амалда бир синаб кўрайчи! — Домла ўрнидан қўзғолиб буфетдан яна битта «Мускат» олди. — Ҳа, мана бундай бўпти. — Домла стакан бўшагандан кейин тилини тақиллатиб қўйди. — Жонивор-е, бу хушбўй бўлмай, нима хушбўй бўлсин. У иккинчи стаканни ҳам тўлатди. — Мускат — мушк анбар! Мускат—Мушкан! — бар? «Бар»нинг нима кераги бор? Мускат—Мушкан, Мушкат, Мускат! Яшавор Лафзий! Намий тадқиқот деб манавини айтади! Табриклайман, Лафзий! — Домла винонинг қолганини ҳам бир отинда ютди...

Аризадаги муддат битгач, Лафзий илмий ишни мудир Миркобиловга топширди. Бироқ мудир илмий ишдан негадир хурсанд бўлмади. Унинг сарлавҳасини ўқибок пешанаси тиришди.

— Ҳа, ишимиз ёқмадими? — деди Лафзий газабини аранг босиб.

— Ҳа, — деди мудир пинагини бузмай. — Мен когоз билан ҳукуматнинг сизга сарф бўлган маблағига ачинаяпман. Бироқ «муҳим» мавзуни бошида сир сақламай бизга айтганингизда сизни бекуда меҳнатдан озод қилган бўлардик.

— Нега энди? Бу теша тегмаган мавзу-ку.

— Теша у ёқда турсин, болта текан мавзу, — мудир ўрнидан туриб жовондан бир китоб олди. — Аҳалли шуни варақлаб кўрганингизда вақтингизни бошқа нарсага бағишлаган бўлардингиз.

Лафзий мудир узатган «лугат» китобни ранги ўчиқираб қўлига олди. Унда домла олти ой вақт сарфлаб тарихини излаган сўзга ихчамгина илмий таъриф берилган эди.

— Бу ёғи нима бўлади, энди? — деди аранг Лафзий стулга чўнаркан.

— Мен ҳам билмайман. — Мудир бир нафас жим қолди. — Душанба куни илмий совет бўлади. Ўшанда сизнинг ҳам ҳисобингиз бор. Ҳозирча бир нарса дейишим қийин. Кўпчилик ҳал қилади.

Лафзийдан садо чиқмади. У худди коронида кўркан боладай тилдан қолгай эди.

Эркин НОСИРОВ.

„ЖЕМИНАЙ-5"НИНГ ПАРВОЗИ ҲАҚИДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 август. ТАСС мухбири Л. Пономарев хабар беради:

Икки ўриндиқ «Жеминай-5» космик кемасини учириш бир неча марта кечиктирилганидан кейин бугун Қўшма Штатларда ер атрофидаги орбитага чиқарилди. Бу кемада космонавтлар—Гордон Купер (экипаж командири) ва Чарлз Конрат учиришди.

Экипаж командири Купер-38 ёшда. У, космик учишда иккинчи марта қатнашмоқда. Биринчи марта у 1963 йилда «Меркури» программасига биноан учиб, космосда 34 соат бўлган эди. Конрат — 35 ёшда. Космик учишда биринчи марта қатнашмоқда. Бу иккала космонавт илгари симовчи-учувчи бўлиб ишлаганлар.

Кема чиқарилган орбитанинг ер сатҳига энг яқин нуқтаси (перигейи) 160 километр ва ер сатҳидан энг юқори нуқтаси (апогейи) 352 километр. У, Кеннеди бурунидан «Титан-2» ракетасининг ёрдами билан учирилди. «Жеминай-5»нинг вазни 3105 килограмм. «Жеминай-5» 191 соат 53 минут учиб юришга мўлжалланган бўлиб, шу вақт ичида у ер атрофини 121 марта айланиб чиқади.

АҚШ аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси бу учишнинг асосий вазифаси қилиб вазнсизлик ҳолатида узоқ вақт бўлишнинг одам организмига қандай таъсир ўтказишини тадқиқ қилишдан иборат қилиб белгилади.

Программанинг энг жадал қисми учишнинг дастлабки олти соатига тўғри келади. Шу вақт ичида Америка космонавтлари «Жеминай-5» космик кемасидан ўзлари учирган кичикроқ суғнъий йўлдош билан кемани бир-бирига яқинлаштиришга уриниб қўрадилар. Каттолиги 50,8X72,2 сантиметран ва вазни 34,5 килограммли бу йўлдош космик кема ер атрофини иккинчи марта айланиб чиқаётган вақтда, яъни кема парвоз қилганидан кейин 2 соат 7 минут ўтгач махсус реактив аппарат воситасида кемадан ажралиб чиқади.

Йўлдош учирувчи ракетадан ажралиб чиққанидан кейин космонавтлар маневр қилиб, йўлдошдан тахминан 83 километр узоқлашадилар. Ер атрофи тўртинчи марта айланиб чиқилаётган пайтда улар йўлдошга 30 метрдан 6 метр масофагача яна яқинлашишлари лозим. Кемани йўлдош билан туташтириш ва космонавтларнинг кемадан чиқиши программада кўзда тутилмаган. Кемани йўлдош билан яқинлаштириш вақтида у гоҳ йўлдошнинг устидан ва гоҳ остидан, гоҳ илдамланиб ва гоҳ йўлдошдан орқада қолиб учиб боради. «Жеминай-5»да 182 килограммга яқин ёқилғи бор, шу ёқилғидан яқинлашиш маневрини бажармоқ учун 113,5 килограммини сарфлаш мўлжалланади. Яқинлашишга доир қилинадиган ҳисоблаганинг ҳаммаси космик кемада ўрнатилган электрон — ҳисоблаш аппаратининг ёрдами билан бажарилади. Программада орбитанинг баланслигини ошириш кўзда тутилади.

Парвоз вақтида Америка космонавтлари Кеннеди бурунидан, Вандентергдаги (Калифорния штати) ҳарбий-ҳаво базасидан ва холломан ҳарбий-ҳаво базасидан (Нью—Мексико штати) ракеталар учирилишини кузатиб борадилар.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. «Жеминай-5» кемасида ёнилғи элементларига кислород берувчи энергосистема бузилиб қолганлиги сабаблли, бу космик кемада ўтказилмоқчи бўлган тадқиқотлар ҳақиқатда тўхтатиб қўйилди. Бу космик кеманинг учишини уюштирувчи раҳбарлар кема аварияга учраб қолган тақдирда уни Гавайя ороллари районига қўндириш чораларини кўрмоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК. «Жеминай-5»ни учиришни уюштирувчи раҳбарлар космонавтлар Купер ва Конрад бошқариб борадиган космик кеманинг энергосистемаси яна ишлаб кетар деган умид билан уни тагин бир кун космосда қолдиришга қарор қилдилар. Космонавтлар энергосистемани яна нормал равишда ишлайдиган қилиш учун ҳар қанча уринсалар ҳам муваффакият қозона олмадилар. Космонавтлар кемани қўндирмоқ учун запас батареяларнинг электр энергиясини жуда тежаб сарфламоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК. Америка информация агентликларининг бошқарилувчи космик кемаларнинг «Хьюстондаги марказидан (Техас штати) якшанба куни берган хабарларида айтилишича, аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасининг раҳбарлари «Жеминай-5» космик кемасининг экипажига ер атрофида учишни яна лоақал 24 соат давом эттириш тўғрисида фармойиш берганлар. Космик кемани энергия билан таъминлаш системасининг ишлаши бирмунча яхшиланганлигига асосланиб шундай фармойиш берилди.

ЖАҲОН ШУ ҲАФТАДА

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ЙЎЛИДАН

АМЕРИКАНИНГ ШАЪНИГА КЕЛГАН ИСНОД

ИНГЛИЗ МУСТАМЛАКАЧИЛАРИНИНГ ТРИШКА ЧАКМОНИ

Туркия Республикасининг бош министри С. Х. Ургуплунинг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити якунлари Туркиядаги сиёсий ва ижтимоий доираларда қизғин муҳокама қилинмоқда. Туркиядаги кўпгина сиёсий арбоблар, матбуот обзорчиларининг фикрича, бу визит СССР билан Туркия ўртасида ҳамжиҳатликни ва яхши қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантиришда янги босқич бўлиб қолди.

Суат Ургуплу ўз сафарининг натижаларига юксак баҳо берди. «Бизнинг визитимиз, — деди у, Анқарага қайтиб борганидан кейин, — ғоят фойдали бўлди. Биз совет раҳбарлари билан жуда яқин алоқалар ўрнатиб, фойдали музокаралар олиб бордик. Бизга кўрсатилган илтифотдан ва иккала мамлакат ўртасидаги яқинлашувга Совет Иттифоқида нақадар аҳамият берилаётганидан биз ғоят мамнунмиз».

Совет-Туркия дўстона ҳамкорлиги қариб ярим асрлик тарихга эга. Бу ҳамкорликнинг бешигини улуғ Ленин билан турк миллий революциясининг йўлбошчиси Камол Отатурк тебратган эдилар. Октябрнинг озодлик идеаллари таъсири остида Туркия халқи биринчи жаҳон уруши йилларида мамлакатни босиб олган империалистик интервенциячиларга қарши қуролли курашга кўтарилди. Туркиянинг бошига танглик тушган ана шу пайтда ёш Советлар Республикаси империалистик босқинчиларга қарши курашда унга қардошларча ёрдам кўрсатди. 1920 йилда Совет давлати жаҳонда биринчи бўлиб Туркия Республикасининг миллий суверенитетини таниди ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

Афсуски, маълум даврда Совет-Туркия муносабатларига совуқчилик тушиб қолди ва узоқ вақтгача иккала нўшни ўртасидаги алоқалар дипломатик такаллуф доираси билан чекланиб қолди. Бироқ қанча сабаблар туфайли вужудга келган бундай ғайри табиий аҳвол Туркия билан СССРнинг давлат манфаатларига, Совет-Туркия дўстлиги традицияларига зид эди. Қолбуки, иккала мамлакатнинг муносабатларида ҳеч қандай ҳал қилиб бўлмайдиган проблемалар йўқ. Дўстона алоқаларни ва ҳар тарафлама ҳамкорликни йўлга қўйишдан турк халқи ҳам, совет халқи ҳам астойдил манфаатдордирлар. Совет Иттифоқининг Афғонистон ва бошқа давлатлар билан кўп йиллардан бери давом этиб келаётган яхши қўшничилик муносабатлари намунаси Туркия билан ҳам шундай муносабатларга эга бўлишимиз мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Уз-ўзидан маълумки, Туркиядаги ҳамма сиёсий кучлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни тиклашга хайрихоҳлик билан қарамоқдалар, дейиш муболаға қилиш бўлур эди. Туркияда 25 га яқин ҳар хил партия мавжуд бўлиб, шулардан баъзилари бир-бирига қарама-қарши позиция тутмоқда. Бунинг устига Ғарбдаги империалистик доиралар Туркиянинг НАТОда қатнашаётганлигидан фойдаланиб, сўнгги йилларда яхшилана бошлаган Совет-Туркия муносабатларига раҳна солиш учун бутун куч-ғайратини ишга солмоқда. Бош министр С. Х. Ургуплунинг СССРга қилган визити муносабати билан ҳам чет элларда бўҳтон. чилиндан иборат бир қанча гап-сўзлар айтилди.

Бироқ, Совет — Туркия яхши қўшничилик ҳамкорлиги мухолифларининг ҳаракатларига қарамай, бу ҳамкорлик тобора кўпроқ ривож топмоқда. Узаро ишончсизлик музи зил кетди, деб ҳозирда айтиш мумкин. СССР билан Туркия ўртасидаги дўстликни тиклаш учун йўллар тозалаб қўйилди. Сўнгги икки йил мобайнида иккала мамлакат давлат арбобларининг ўзаро визитлари бунда катта роль ўйнади. Сўнгги йилларда Совет — Туркия маданий ва иқтисодий алоқалари жонланиб кетди. Мана шуларнинг ҳаммаси Турция бош министри С. Х. Ургуплунинг СССРга муваффақият билан визит қилиши учун шарт-шароитлар вужудга келтирди. Бу — сўнгги 33 йил бадалида Туркия ҳукумати бошлигининг мамлакатимизга қилган биринчи визити эди. Совет Иттифоқи билан Туркиянинг ҳозирги халқаро проблемаларга ёндошувида кўпгина ўхшашлик бор. Ҳар иккала қўшни давлат фақат ўз чегараларида эмас, балки бутун ер куррасида тинчлик бўлишидан манфеатдордирлар.

Совет — Туркия музокараларининг асосий якуни шундан иборатки, ҳар иккала ҳукумат Туркия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари ҳамда дўстликни янада мустаҳкамлаш зарур, деган хулосага келдилар. Ҳозир бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар бор. Иккита энг яқин қўшнининг бир-бирига ишончи ва дўстона ҳамкорлиги — Яқин Шарқда осойишталик ва тинчлик бўлишининг муҳим омилидир.

* * *

Лос-Анжелосдаги фожиали воқеалар жаҳонни ларзага солди. Буржуа газеталари бу воқеаларнинг асл мазмунини бузиб кўрсатишга, маъмурларнинг негрлар устидан ўтказган мудҳиш зўравонлигини хас-пўшлашга жон-жаҳди билан уринмоқда. Мана океан нарёғидаги буржуа матбуотининг типик аҳидаси. «Лос-Анжелосдаги кўзғолонга, — деб ёзади «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси, — сариқ чақага арзимаган можаро — кўча ҳаракати қоидасини бузганн учун бир кишининг қамаб қўйилгани сабаб бўлди... Исёнчиларнинг оқ танликларга нисбатан нафратдан бўлак ҳеч қандай равшан мақсадлари, ҳеч қандай шиорлари йўқ, куч ишлатиш йўли билан ўч олишга асос бўла оладиган ҳеч қандай конкрет ҳафагарчиликлари йўқ».

Бироқ, Америка реакцияси Лос-Анжелосдаги пўртананинг сабабларини яшириб кетишга ожизлиги. Бу сабаблар бутун дунёга жуда яхши маълум. Яқинда шу шаҳарга келган АҚШдаги негрлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мартин Лютер Кинг бунинг негизида социал сабаблар ётади, деди. «Лос-Анжелос негрлари, — деди Кинг, — ажралиб, яккаланиб қолган шундай қашшоқлик оролида диминқиб ўлмоқдалар. ки, бу орол ўзининг бойлиги ва маъмурлиги билан гердаётган давлат ичига жойлашгандир».

20 миллионли негр аҳолиси фақат Лос-Анжелосдагина эмас, балки Қўшма Штатлардаги ҳамма жойларда ҳам жамиятнинг энг забун ва мазлум қисмидир. Ҳатто, расмий маълумотларга қараганда ҳам, Лос-Анжелосдаги ҳар уч негрдан биттаси ишсиз ҳисобланади. Негр болалари орасида ўлиш оқ танли болалар орасидагига нисбатан 90 процент ортиндир. Нихоятда рахмсизлик билан камситиш, чексиз қашшоқлик, ишсизлик — Америкадаги негр аҳолисининг абадий йўлдоши бўлиб қолди.

Негрларнинг дилида туғилган кескин норозиликнинг туб сабабларини «граждан-лик ҳуқуқлари тўғрисида»ги ҳар қандай қонунлар, президентнинг «камбағалликка қарши кураш» тўғрисида, «буюк Америка жамиятини» вужудга келтириш ҳақида айтган ҳар қандай баландпарвоз гаплари ҳам йўқота олмайди. Машҳур негр ёзувчиси Болдуин айтганидек, «Американинг сиёсий ва социал системасида ғоят кескин ва жуда катта ўзгаришлар қилмасдан туриб, негрларнинг аҳволини ўзгартиришнинг ҳеч бир реал имконияти йўқ».

Ҳозир АҚШдаги ирқий камситиш проблемаси жаҳон афкор оммасининг ҳукмига чиқариб қўйилди. Шуниси диққатга сазоворки, деб ёзади «Ганиэн таймс», негрларнинг ғалаёнлари бу гал ирқчиликнинг қатаъ-ган жойлари ҳисобланган жанубий штатларда содир бўлгани йўқ, балки «олтин Ғарб»га кўчди. Бу эса, Америка пропагандасининг ирқий масалани фақат жанубга хос маҳаллий проблема қилиб кўрсатишга уринишини фош этмоқда қолмай, шу билан бирга, бугун-эрта бутун мамлакатга лава сочадиган жўшқин вулқон борлиги. дан ҳам далолат бериб турибди. Бинобарин, Нью-Йорк, Чикаго, Филадельфия, Балтимор, Детройт сингари бошқа шаҳарларда негрлар ғалаён бошлаб юборишларининг олдини олиб, АҚШ ҳукмрон доиралари апил-тапил чоралар кўраётгани бежиз эмас...

Ирқчиларнинг Лос-Анжелосдаги ёвузликлари Америка буржуа жамиятининг юзидаги сохта ниқобни узил-кесил йиртиб ташлади. «Американинг сохта демократияси, — деб ёзади «Юманите» газетаси, ўзининг ҳақиқий башарасини ҳали ҳеч қачон бунчалик яққол кўрсатиб қўймаган эди: мамлакат ичида социал тенгсизлик ва ирқий таъқиблаш мавжуд бўлса, чет элларда мустамлакачиликдан иборат авантюризм амалга оширилмоқда. Америка солдатлари Лос-Анжелосдан то Санто-Доминго ва Сайгонга қадар ўз тарафдорларидан муттасил ажралиб бораётган дунёнинг башарасини кўрсатиб қўймоқда».

* * *

Инглиз сиёсий арбобларининг «Сувайшдан шарқ томонда» бошига тушган мушкуллар Тришканинг чакмони тўғрисидаги машҳур масални эслатади. Узининг илгари ги мустамлакачилик империяси қолдиқларини сақлаб қолиш борасида Лондоннинг ишлатаётган ҳамма ҳийла-найранглари Англиянинг қукмрон доираларини кўнгилсиз натижаларга олиб келмоқда. Британия дипломатиясининг айёрлик билан тўқиётган янги мустамлакачилик режалари Малайзияда ҳам, Жанубий Арабистонда ҳам чой-чокидан сўкилиб кетмоқда.

Сингапурнинг Малайзия федерациясидан чиққанлигига ва Жанубий Арабистоннинг тақдири тўғрисида яқинда Лондонда олиб борилган музокараларнинг барбод бўлганлигига сиёсий обзорчилар худди ана шундай баҳо бермоқдалар. Англиянинг ҳукмрон доираларини ҳанг-манг қилиб қўйган бу икки воқеа Британия ҳукуматининг Шарқи-Жанубий Осиёда ва Жанубий Арабистонда тутаётган мустамлакачилик йўли бутунлай истиқболсиз эканини яққол намойиш қилиб кўрсатди.

Англия дипломатияси «Сувайшдан шарқ томондаги сиёсат», деб ном берган бу йўлнинг моҳияти нимадан иборат? Гап шундаки, ўз мустамлака меросининг наттагина қисмидан ажралиб қолган Британия империализми ҳозир Гибралтардан то Сингапурга қадар таянч пунктларини сақлаб қолишга умид боғламоқда. Ўрта денгизда, Форс кўрфази ва Ҳинд океани районларида сочилиб ётган ана шу кўпдан-кўп инглиз ҳарбий базалари системасида Арабистон жануби билан Малайзиядаги базалар стратегик жиҳатдан Англия учун айниқса қимматлидир. Арабистоннинг нефть бойликларини, Малайзиянинг қалайи ва каучугини талаб кетаётган инглиз монополияларининг энг йирик манфаатлари айни ана шу жойда, Сувайшдан шарқ томонда марказлашган Сингапур билан Адандаги асосий базалар эса, Британия империализмининг мана шу янги мустамлакачилик системасини қўриқлаб турган посбонлик микроларни ролини ўйнайди, дейиш мумкин.

Сингапурда Узоқ Шарқдаги инглиз қўмондонлигининг штаби бор. Территорияси 600 квадрат километрдан ошмайдиган мана шу орол-шаҳарда Англиянинг ҳарбий, ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво базалари жойлашган. Бундан ташқари, Сингапур Малайзия Федерациясининг «иқтисодий юраги» ҳисобланар эди.

Арабистон ярим оролининг жанубий чекасидаги Аданга келганда шуни айтиш керакки, бу жой ҳам Лондоннинг мустамлакачи доиралари учун нихоятда катта аҳамиятга эга. Ғарблик бир журналистнинг сўзларига қараганда, Адан базаси «инглиз ҳарбий системасининг Форс кўрфази ва Шарқий Африка атрофида сувга ташлаган ўзига хос лангари ҳисобланади». Яқин Шарқдаги инглиз қуролли кучларининг штаби Аданга ўрнашган. Инглизлар Сингапур сингари Аданни ҳам Жанубий Арабистонда ўзларига итоатқор амирликлардан тузган қўғирчоқ федерацияга қўшиб юборган эдилар.

Шу тариқа Лондон Осиёнинг турли томонларида инглиз мустамлакачиларининг омонат позицияларини тош метиндек мустаҳкамлашга даъват этилган сунъий уюшмалар вужудга келтирди. Англия ҳукмрон доиралари Малайзияда ҳам, Жанубий Арабистонда ҳам ўсиб бораётган миллий озодлик ҳаракатига қуролли қаршилик кўрсатиш сиёсатини, ана шу районларда барпо этилган ҳарбий базаларга таянган сиёсатни ўтказмоқдалар. Англия парламентининг аъзоси лейборист Хьюз айтганидек, «Сувайшдан шарқ томондаги сиёсат дейилган бадном сиёсатдан Британия мустамлакачилик империясининг маддохи Киплинг яшаган замонларнинг ҳиди келиб турибди».

Лекин Киплинг яшаган замонлар абадий ўтиб кетди. Ҳозирги инглиз империалистларининг ҳар хил тирғаклар қўйиш йўли билан Британиянинг мустамлакачилик позицияларини сақлаб қолиш ҳақидаги умидлари пучга чиқмоқда.

Лекин гап фақат базаларда эмас. «Сингапур воқеаси» бутун Малайзия Федерациясида занжирли реакция бошлаб юборди. Сараван билан Сабахда ана шу янги мустамлакачилик федерациясидан чиқиш учун ҳаракат кескин кучайиб кетди. Ҳозир Арабистон ярим оролининг жанубида ҳам ана шунга ўхшаш воқеалар содир бўлмоқда. Британия дипломатияси Адан ва Жанубий Арабистондаги бошқа территорияларнинг вакиллари иштироки билан яқинда Лондонда ўтказилган кенгашда Жанубий Арабистоннинг бундан буёғи тақдирини ҳал қилишни пайсалга солишга уриниб кўрди. Лекин унинг бу уринишн кескин қаршиликка дуч келди.

Бироқ, лондондагилар БМТнинг қарори тўғрисидаги гапларни эшитгилари ҳам келмаяпти. Чунки бу қарор Англиянинг мана шу мустамлакачилик планларига зиддир. Ҳамма муваффақиятсизликларга қарамай, Британиянинг ҳукмрон доиралари аввалгидек ҳозир ҳам ўзларининг Малайзия ва Жанубий Арабистондаги қўғирчоқларини сақлаб қолишга умид боғламоқдалар. Бу йўлнинг тамомила бемаънилиги равшан кўриниб турибди. Янги мустамлакачиларнинг федерациялари узоқ умр кечира олмайди.

Ф. САЙФУЛ-МУЛУКОВ,
(ТАСС).



ИНДОНЕЗИЯ. Жакартадаги Мустақиллик монументи.

ТОМОШАБИНЛАР НОРОЗИЛИГИ

Профессионал боксчилар ўртасида оғир вазнли жаҳон чемпиони Кассиус Клейнинг Швециядаги турнирлари муваффақиятсиз ўтяпти. Маълумки, Клей Швецияга бир қатор кўргазмали учрашувлар ўтказиш ва собиқ жаҳон чемпиони Флойд Паттерсон билан шартнома тузиш ниятида келган эди. Бу учрашув ташаббускори швециялик менеджер Алквист «Эрли Бирд» йўлдоши ёрдамида матчни америка телевидениеси орқали трансляция қилиш ҳақида ҳам келишиб олган эди. Бироқ Алквист ва Клейнинг планлари барбод бўлди. Кассиус Клей Стокгольмдаги «Хрона-Лунд-Парк» залига ўзининг икки дўсти — Жеймс Эллис ва Харвей Жонс билан кириб келди. Аввалдан келишиб олинган программага кўра Клей қар иккала дўстини тренировка машқларида фойдаланадиган қопларни ургандек уриб ташлади. Шунда томошабинлар газаби кўзғаб кетди. Улар «Клей — масхарабоз, риёкор!», «Циркка йўқол!», «Листонга ғалабанг учун қанча ҳақ тўладинг?» деб қичқира бошладилар.

Кассиус Мальмада бундан ҳам хунук аҳволга тушди. Бу ерда ҳам томошабинлар нафратларини билдиришди. Ишқибозларнинг бири «Клей хийлагар» деб бақирганда у ўзини тутиб ололмади. Аслида безори бўлган Клей рингдан чиқиб кетиб овоз келган томонга ўзини отди. «Мен ўни ўлдираман» деб гудурларди у. Зал маъмурияти ва кўпчилигининг актив қаршилиги билан Клейнинг газаби босиб қўйилди. Кўргазмали чиқишларни тўхтатишга тўғри келди. «Мен бу швеллрни тушунолмайман, — деди Кассиус журналистларга, — ахир ҳар ким қўлидан келган йўл билан пул топади. Шундай экан мен қандай йўл билан пул топаётганлигим билан уларнинг нима иши бор...»

ТЕРМА КОМАНДАГА 189 НОМЗОД

Футбол бўйича Бразилия терма командасининг тренера машҳур мутахассис Висенте Феола журналистлар билан бўлган суҳбатда Англияда келгуси йил ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун терма командага ҳали бирорта ҳам спортчини ажратиб олмаганлигини маълум қилди.

«Биз номзодларнинг сонини атайлаб кўпайтирдик, — деди Феола, — ҳозирда 189 футболчи доимий назоратимиз остида турибди. Яқин орада номзодларни текширишни бошлаймиз. 1966 йилнинг бошларида энг кучли қирқ футболчи маълум бўлади. 189 номзоднинг ҳар бири ана шу 40 та бахтли футболчилар сафидан жой олиши ўзининг меҳнатига боғлиқ эканлигини яхши тушунади. Мен бу ўринда футболчилар кучларини аямаётганликларини ҳурсандчилик билан таъкидлаб ўтаман, холос. Кўпгина номзодларнинг маҳорати кейинги йилларда анчагина ўсди».

ПАТТИ МЕКСИКАНИ ОРЗУ ҚИЛАДИ

АҚШнинг Толедо шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган мусобақаларда афсонавий жаҳон рекорди ўрнатилганлиги ҳақида газеталарда хабар қилинган эди. Патти Каретто 1.500 метрни эркин усулда 18 минут 23,7 секундда сузиб ўтган ва бундан аввалги ўзи ўрнатган жаҳон рекордини (18 минут 30,5 секунд) салкам 7 секундга яхшилаган эди. Патти энди 14 ёшга тўлди, унинг бўйи 153 сантиметр, оғирлиги 50 килограмм. Калифорниялик ўқувчи ҳали қўғирчоқ ўйнайди, аммо унинг орзуси Мексикага бориш. Патти бошқа масофаларга ўтказилган мусобақаларда ҳам юксак натижалар кўрсатди. 400 метрни 4 минуту 42,0 секундда (сузиш тарихида бу натижа учинчи ҳисобланади), 800 метрни 9 минут 37,5 секундда сузиб ўтди. Бу натижа америкалик Шарон Финнерениг жаҳон рекордидан 0,6 секунд яхшидир. Рекорд ўрнатилган кунги мусобақада Паттининг бирдан-бир рақиби Шарон эди. Шарон ҳам бир вақтлар бир ярим минг метрга бўлган сузишда жаҳон рекорди ўрнатган эди. Қизлар шунчалик қизиқиб кетдиларки, улар сўнгги юз метрни эслатиб берилган ўқ овозини ҳам эшитишмай юз метр ортиқча сузиб қўйишибди.

Мусобақадан кейин Патти бундай деди: «Мен 1968 йили Мексикада ўтказиладиган олимпиада ўйинларида қатнашишни орзу қиламан. Ер юзида қобилиятли сузувчилар жуда кўплигини ҳам биламан. Аммо 400 метрга сузишда эришган натижам мени олга ундайди. Ана шу масофага сузишда олимпиаданинг олтин медалини олиш ниятидаман. Ҳали олимпиада ўйинлари бошланишига уч йил бор. Ана шу уч йилгача маҳоратимни тинмай ошириб бораман, нам деганда 1095 та машғулот ўтказишга яҳд қилганман. (АПН).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

24 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — «Ялда» концерти 8.25 — Ўзбек кинофильм куйлари, 9.30— Ўвертюралар, 9.45 — Қишлоқ ободонлашмоқда (тож.), 10.30 — Концерт (СССР санъат усталари ижросида), 11.10 — Партия ходими минбари. «Асосий диққат-эътиборимиз—инсон (рус.), 11.25—Концерт, 12.15 — Спорт эшиттириши, 12.30 — Чолғу куйлари, 13.40 — Болгар эстрада куйлари, 16.15 — Свиридов. «Патетик ораторня», 18.10 — Камер куйлар, 18.30 — Чолғу куйлари, 19.20 — Қорақалпоқ куйлари, 20.00 — «Муҳим давр» (рус.), 20.10 — Қўшиқ ва рақс куйлари (рус.), 20.45 — «Виждон эркинлиги ва атеизм», 21.20 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт, 22.10 — Куйлардан куйларга, 22.40 —«Шарофат барҳаёт» повестидан парча (рус.), 23.20 — Маком кечаси.

Телевидение

24 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **В. И. Ленин ҳақида** ҳикоялар (ёшлар учун), 18.50 — **Композитор Қора Кораев**, 19.30 — **Эдип** (катталар учун қўғирчоқ фильм), 19.50 — **Телевизион миниатюралар** («Ёшлик» студияси).

20.30 — Эртага экранда.

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Ҳавода Покришкин** (ҳужжатли фильм), 21.25 — **Ишчи касби шарафли** (саноат ходимлари учун), 21.45 — **Реклама ва эълонлар**, 21.55 — **Скорий поезд кечикканда** (Ленинград телестудияси спектакли).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.40 — **Болаларни кўчада эҳтиёт қилинг**, 19.00 — **Тошкент янгиликлари**, 19.10 — **Менинг шаҳрим—менинг тақдирим** (ҳужжатли фильм), 19.30 — **Менинг хатом** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Профессор Пушкарёва** (телефильм), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **49 кун** (бадиий фильм).

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/VIII да Ёшлиқда берган кўнгил, Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида — 25/VIII да **Тошболта ошиқ**.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Ракеталар отилмасин — «МИР», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Макс Линдер компанияси — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун). «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10-10 минутда).

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — САНЪАТ САРОЙИ, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (1-зала) «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Дорбозлар — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да), «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кундуз 4 да).

Бир марта картошка, икки марта картошка — «ДРУЖБА» (2-зала кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ер-ёр (кеч соат 8-20 минутда), **Қизлар** (кеч 9.40 минутда) —НАВОИЙ номли.

Тоғ қонуни — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Жиддий ўйин — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Бир марта картошка, икки марта картошка — КАФАНОВ номли, «ХИВА», «РАКЕТА».

Ракеталар отилмасин — ТЕЛМАН номли, НАВОИЙ номли.

Макс Линдер компанияси — ПУШКИН номли. «ОҚТЕПА».

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тоғ қонуни — «САЛЮТ».

Улуғ Ватан уруши — «ВАТАН».

Бешинчи бўлим — «1 МАЙ».

Телба — «УДАРНИК».

Осмон калити — «ПАХТАКОР».

Кумуш тренер — СТЕПАН РАЗИН номли.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24, 25 августда

концертлар

Концертларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Қундуз Миркаримова, Карим Алиев, Маҳмуд Муҳамедов**, солистлардан **Ҳадя Юсупова, Дилбар Абдуллаева, Тўхта Алихўжаева** ва Ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ МОСКВА БАДИИЙ АКАДЕМИК ТЕАТРИ

гастролларининг

бошқа вақтга қолдирилганлиги сабабли,

ОЛИНГАН БИЛЕТЛАР

сотиб олинган жойига қайтарилиши лозим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ДИРЕКЦИЯСИ.

ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА

(Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 13-уй)

1 сентябрдан 3 сентябрга

САНОАТ ТОВАРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА

улгуржи ярмаркаси

ВА СОТИШ-ВИСТАВКАСИ БУЛАДИ

Иттифоқчи республикалар давлат ва кооператив савдосининг чакана савдо ташкилотлари ва улгуржи базалари, халқ хўжалиги кенгашлари, «Главбит» бошқармалари ва маҳаллий саноат корхоналари таклиф этилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 2-уй, «Узторгпосредконтора».

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги. «Ўзбекбирлашув» бошқармаси.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

огир атлетика, гимнастика, спорт ўйинлари бўйича вакант ўқитувчилар вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 4/IX гача.

Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Самарқанд шаҳар, Максим Горький бульвари, 15-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

РЕНТГЕНОЛОГИЯ, РАДИОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

аспирантурага

рентгенология ихтисоси бўйича кирувчилар учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(қатнаб ўқиш учун—3 урин, сиртдан ўқиш учун—1 ўрин)

Конкурс муддати—5/IX гача.

Адрес: Тошкент шаҳар, Ремесленная кўчаси, 6-уй.

УЗБЕКИСТОН САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА ПРОФЕССИОНАЛ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

гигиена ва профессионал патология ихтисослари бўйича

аспирантурага

ва шу ихтисослар бўйича **стажёр-текширувчилар** қабул қилиш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни топшириш муддати — 31/VIII гача.

Адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 103-уй.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ

ҚАТНАБ ЎҚИЙДИГАН ВА СИРТҚИ УМУМ ТАЪЛИМ ЎРТА МАКТАБИ

дарслар рус, ўзбек тилларида олиб бориладиган

5, 6, 7, 8, 9, 10, 11-синфларга Тошкент области районларида ва шаҳарларида яшовчилардан 1965/66 ўқув йили учун

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент областининг ҳамма район ва шаҳар марказларида мактабнинг консультация пунктлари бор.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумот ҳақида ҳужжат, паспорт намунасидаги 2 та фотокарточка, иш жойидан справка.

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес:

Тошкент область Оржоникидзе посёлкаси, Киров кўчаси, 11-уй;

Бекобод — 1-«Далварзин», 11-ўрта мактаб;

Бекобод — 2-«Далварзин», 2-ўрта мактаб;

Янгийўл — Чиноз посёлкаси, 61-ўрта мактаб;

Оққовоқ — 74-ўрта мактаб.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

З. К. УСМОНОВ

Сурхондарё область партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси Зиё Камолиддинович Усмонов 1965 йил 22 августда тўсатдан вафот этди.

З. К. Усмонов 1905 йилда туғилди, меҳнат фаолиятини 1921 йилдан бошлади. 1927 йилда КПСС сафига кирди.

Зиё Камолиддинович катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. 1928 йилдан то умрининг охиригача у ҳаммавақт партиявий ишларда ишлаб келди. Бир неча марта шаҳар ва область партия комитетларининг секретарлигига сайланди, ўн йилдан ортиқ вақт ичида Сурхондарё область партия комитети партиявий-ташкилий бўлимига бошчилик қилди.

З. К. Усмонов софдил, ҳалол ходим, вийрак ва ҳозиржавоб ўртоқ эди. Кўп йиллик самарали меҳнатлари учун у Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланди.

Зиё Усмоновнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Бир группа ўртоқлари.